



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 198 (12.259)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Келажак овози — 2012»

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган, ёшларимиз камолотида алоҳида ўрин тутаётган ана шундай қўриқлардан бири — «Келажак овози — 2012» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими Тошкент Молия институтини бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдурахимова, Тошкент Давлат техника университети проректори К.Норкулова, «Осиё рамзи» Ўзбекистон моделерлар ва дизайнерлар уюшмаси раиси Х. Комилова ва бошқалар сўзга чиқиб, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг ижодий-интеллектуал иқтидорларини рўйбга чиқариш борасида амалга оширилаётган ишларнинг юксак самараси, қўлга киритилган ютуқларнинг эртанги кундаги аҳамияти ва давлатимиз нуфузининг жаҳон ҳамжамиятида тобора ортиб бораётгани ҳақида фикр юритдилар.

2005 йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» танлови 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларга архитектура ва дизайн, ахборот техноло-

Иқтидорли, изланувчан, шижоатли ва ўз фикрига эга ёшларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари нафақат республикамиз, балки, дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам сарбаланд бўлиб бормоқда. Орзу-умидлари сари шаҳдам одим ташлаётган йигит-қизларимизнинг порлоқ эртасида, истиқболли келажакда ўтказилаётган танловлар, фестиваллар ва мусобақалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

гиялари, рационализи-торлик тақлифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинациялар бўйича ўз қобилиятларини намойиш этиш имконини бермоқда.

Бу йил Тошкент шаҳридан танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар сони 3800 нафарни ташкил этди. Саралаш жараёнида 1129 нафар йигит-қиз иштирок этди ва уларнинг 47 нафари танловнинг финал босқичига чиқиш имкониятини қўлга киритди.

Ғолибликка номзодларни саралаш босқичлари «Келажак овози» жамоатчилиги кенгаши томонидан ўтказилди. Кенгаш тартибига маданият, санъат соҳаси вакиллари, олимлар, олий ўқув юртли ректорлари, йўналишлар бўйича мутахассис ва амалиётчилар, бошқа ташкилотлар раҳбарлари киритилган.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти

талабаси Обиджон Хикматуллаев «Архитектура ва дизайн» номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

— Мен танловга болалар спорт иншоотларини барпо этишга оид лойиҳамни тақдим этдим, — дейди Обиджон. — Бунда биналарнинг иқлим шароитига мослиги, сейсмик мустаҳкамлиги, экологик жиҳатдан ишончли ва қулайлигига асосий эътибор қаратилган. Бундан кейин ҳам ўз устимда янада изла-ниб, ўрганиб, маҳаллий хом ашёдан тайёрланган қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий объектлар лойиҳасини яратишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Танловда муваффақиятли иштирок этган ғолиб ёшларга махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Козим Ўлмасов олган сурат

АКТ ҳафталиги

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР, ХИЗМАТЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуида анъанавий Ахборот технологиялари ҳафталиги доирасида «ICTExpo-2012» ахборот технологиялари миллий кўргазмаси бошланди.

Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х.Мирзохидов замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш жамиятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан эканини таъкидлади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда бу борада улкан ютуқларга эришилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан асосий принциплари белгилаб берилган ахборотлаштириш ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакатимизнинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашувига бевосита хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори ушбу жараёнда муҳим дастуруламал бўлаётди.

«ICTExpo-2012» Тошкент, Навоий ва Термиз шаҳарларида ўтказилмоқда. Кўргазманинг бир пайтда учта шаҳарда ўтказилаётгани ахборот технологияларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жорий этилиш даражаси ҳудудларимизда ҳам изчил ортиб бораётганидан далolatдир. Бу ерга ташриф буюрадиганлар учун ташкил этилган веб-трансляция реал вақт режимида бир йўла учала кўргазма экспонатлари билан танишиш имконини бермоқда.

«ICTExpo» Марказий Осиё минтақасида муҳим ва нуфузли кўргазма майдонлардан бирига айланган. 150 дан зиёд иштирокчи компания учта шаҳарда ахборот технологиялари соҳасидаги барча янгилари намойиш этмоқда. Бу ахборот ва коммуникация янгилари соҳаси мутахассислари учун фойдали тадбирдир. Кўргазмада мамлакатимиз компанияларидан ташқари, Хитой, Германия, Жанубий Корея, Россия, Словения сингари давлатлар вакиллари ҳам қатнашмоқда. Улар мобил тармоқлардан кенг поласали фойдаланиш хизматлари, рақамли телевидение технологиялари, телекоммуникация оид лойиҳалар ва бошқа қўллаб янгиларни тақдим этмоқда.

Кўргазмада Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасининг етакчи корхоналари, шунингдек, софтверлар (дастурий таъминот) ишлаб чиқарувчи IT-компаниялар, провайдерлар, телекоммуникация ускуналарини етказиб бера-ручилар, вазирликлар, идоралар, банк ва бошқа муассасалар вакиллари ўзининг қизиқарли стендлари ҳамда бўлимлари-ни ташкил этган.

Айниқса, мамлакатимиз телекоммуникация бозорининг етакчиси ҳисобланган «Uzbektelecom» акциядорлик компанияси павильонни кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Компания замонавий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда овозли алоқа, маълумотлар ва телерадиоташтириш дастурларини узатиш хизматлари, видеоконференц-алоқа, интернетдан фойдаланиш каби қўллаб хизмат турларини тақдир этмоқда. CDMA-450 стандартига асосланган мобил алоқани жорий этиш ишлари давом этмоқда. Маҳаллий телекоммуникация тармоғида 2 миллион рақамни ўз ичига олган икки мингдан зиёд АТС мавжуд. Уларнинг деярли барчаси рақамли АТСлардир. Компаниянинг транспорт тармоғи кўп даражали бошқарув, тармоқнинг ўзини ўзи текшириш ва қайта тиклашни таъминлай-диган янги SDN тармоқ технологиялари-дан фойдаланган ҳолда, оптик-толали ва радиорелели алоқа линиялари негизда ташкил этилган.

«Newmax Technologies» масъулияти чекланган жамияти намойиш этаётган хизматлар харидорлар эътиборини ўзига кенг жалб этмоқда. Бу корхона иқтисодий фаолиятда замонавий АКТдан амалда фойдаланиш борасида намуна бўлмоқда. «Newmax Technologies» транспорт воситаларининг реал вақт режимида GPS-мониторинг хизматларини тақдим этаётди. «Maxtrack» тизими электрон харитада транспорт воситаси қаерда эканини кузатиш, ёқилги сарфлаш қўрилмалари ҳолатини назорат қилиш, автомобиллар йўналишларини таҳлил этиш, унинг қанча юргани ҳақида маълумот олиш имконини беради. Шунингдек, транспортдан ноконуний ва мақсадсиз фойдаланиш, уни эксплуатация қилиш қоидалари, шартлари ҳамда бошқа назорат маълумотлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур тизимни қўллаш автопаркдан фойдаланиш харажатларини камайтириш, ҳайдовчилар ишини тартибга солиш, логистика тизимини оптимallashtiriш имконини беради. Яъни, диспетчер истаган пайтда автомобиль харажатларидан жойини аниқлаш мумкин.

Хитойнинг «Huawei Technologies» компанияси — телекоммуникация ускуналари тизимларини етказиб берадиган йирик корхоналардан. У Ўзбекистон бозорига бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Компаниянинг «Huawei Tech Investment Tashkent» шўъба корхонаси директори Ван Ифань Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётганини юқори баҳолади. Мазкур компания соҳа корхона ва ташкилотларига кенг турдаги симсиз тармоқлар ускуналари, коммутаторлар, маршрутизаторлар, оптик қўрилмалар, терминаллар, кенг поласали мобил технологиялар, мультимедиа видеоқўзғув тизимлари, телекоммуникация тизимларини электр билан таъминлаш мосламалари, серверлар ва маълумотларни сақлаш тизимлари, мобил телефонлар, смартфонлар, планшет компьютерларни тақдир этмоқда. Мамлакатимиздаги «Ucell», «Beeline», «UzMobile» каби етакчи мобил операторлар билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйган ушбу компания уларга турли маҳсулотлар етказиб бермоқда.

Кўргазма дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, ундан қўллаб ўқув семинарлари, давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, тақдиротлар, шунингдек, кўнгилочар тадбирлар ўрин олган. Соҳа мутахассислари Ўзбекистонда интернет-провайдининг ривожлантириш масалалари бўйича ўтказган давра суҳбатида мамлакатимизда жаҳон ахборот тармоғини янада ривожлантириш масалалари атрофида муҳокама этилди.

Бундан ташқари, олий ўқув юртли, коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасида «ICT-STUDENTS» компьютер спорт турнири ўтказилиши режалаштирилган. Кўргазма ниҳоясида ташкилий қўйма томонидан стенд ва бўлимлари энг яхши деб топилган ғолиблар мукофотланди.

Муҳтасар айтганда, намойиш этилаётган кўргазма кенг жамоатчилига Ўзбекистонда ахборот жамиятини шакллантириш борасида эришилган муваффақиятлар билан танишиш имконини беради. Шўъбасиз, «ICTExpo-2012» мамлакатимиз ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш, мазкур соҳада халқаро ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкам амалий алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти-нинг Андижон ҳудудий бўлими томонидан «Матбуот хизматларининг давлат ва ҳўжа-лик бошқаруви органларининг очиқ ва ош-коралигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти» мавзуида семинар ташкил этилди.

• Кеча Тошкент Фотосуратлар уйида 4-9 октябрь кунлари «Art Week Style Uz» санъат ҳафталиги доирасида ўтказила-диган VI Халқаро Тошкент фотобиенна-лесига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Окдарё туманида янги иш бошлаган «Самарқанд оил экстракция» масъулияти чекланган жамиятида қирқ нафардан зиёд киши иш билан таъминланди. Инсон са-ломатлиги учун фойдали, экологик тоза кунгабоқар ёғи ишлаб чиқаришга ихти-сослашган корхона истеъмол бозорига ўз ўрнини топди. Бу ерда кунига 20-22 тон-на кунгабоқар қайта ишланмоқда.

• Кўргонтепа туманининг Савай киш-логиди трикотаж маҳсулотлари ишлаб чи-қаришга ихтисослашган корхона ишга ту-ширилди. «Ягона ҳамкор нури» масъули-яти чекланган жамияти томонидан кишлоқ марказидаги икки қаватли бино рекон-струкция қилиниб, ишлаб чиқариш кор-хонасига айлантирилди. Хитойдан тикув машиналари олиб келиб ўрнатилди. Натижада 70 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

• Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қайта қурилган муҳ-ташам бино Учқўрғон туманининг Қўғай кишлоғида жойлашган 12-Бошлар мусика ва санъат мактаби жамоаси учун ажойиб совға бўлди. Қурувчилар бу ерда 1,4 мил-лиард сўмликдан зиёд реконструкция иш-ларини амалга оширдилар. Қўшимча ра-вишда рақс ва хореография йўналиши учун катта зал, янги очилган халқ амалий санъати ва тасвирий санъат йўналишла-ри учун махсус хоналар бунёд этилди.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг «All Nippon Airways» (ANA) авиакомпанияси «Boeing 787 Dreamliner» самолётидан яна 11 донга сотиб олишини маълум қилди. Бу «ANA» ва «Boeing» ўрта-сида тузилган қиймати 2,68 миллиард АҚШ долларида тенг бўлган шартномада акс этган. Ишлаб чиқарувчи лайнерларни 2018-2021 йиллар орасида етказиб бе-ришни зиммасига олган. «All Nippon Airways» «Орзулар лайнери» дея номлан-ган мазкур русумнинг биринчи харидори ҳисобланади.

• Испанияда ялпи ички маҳсулот ҳажми тобора пасаймоқда. Мамлакат Статисти-ка миллий институтининг маълумотлари-га қараганда, бу кўрсаткич жорий йил-нинг иккинчи чорагида 0,4 фоиз камай-ган, 2011 йилниқига нисбатан эса 1,3 фоиз оздир. Бу аввал тахмин қилинган-дан ҳам анча паст натижадир. Ачинарли-си, ушбу жараён учинчи чорақда ҳам сал-бий тус олмоқда. Айни вақтда Испания ҳукумати мамлакатни иқтисодий таназ-зулдан чиқариш учун зарур чораларни кўрмоқда. Бирок шунга қарамай, Испа-ния аҳолиси орасида ишсизлар сони то-бора кўпайиб, қўллаб-қўллаб фирма ва компания-лар инкирозга юз тутаётди. Боз устига, истеъмол товарлари нархининг кескин ошиши мамлакат аҳолисини жуда муш-кул аҳволга солиб қўймоқда.

• Америкалик олимларнинг таъкидла-шича, ҳар куни йогурт истеъмол қилиш юқори артериал қон босими пайдо бў-лиши хавфини камайтиради. Бу ҳақда «The Telegraph» нашри маълум қилди. Маълу-мотларга қўра, кальцийнинг асосий ман-баси бўлмиш йогурт ва сут маҳсулотла-рини тановул қилиш натижасида инсон организмидидаги қон томирлари эластик ҳолатга киради ва осонгина кенгайди. Бу эса танада қон айланишини яхшилайд-и ва қон босимини меъёрида ушлаб тура-ди. Йогурт, шунингдек, мушак тўқимала-ри учун ҳам жуда фойдали.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** амалий санъат музейида 29 сентябрь

куни «Устозимдан мерос — хунарим» номли кўргазма очилади.

✓ **БУГУН** Ўзбек Миллий ака-демик драма театрида ташкил

этилган «Устозимга таъзим» деб номланган байрам тадбири Мирзо Улуғбек туман ҳокимли-ги томонидан уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Мил-

лий матбуот марказида «Ўзбе-кистон мустақиллиги ва замо-навий таълим тараққиёти» мав-зуидаги матбуот анжумани бўлиб ўтади.

Инсон ва қонун

Тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда катта имкониятларни яратиб бераётган ҳакамлик судларида низоларни ҳал этиш масаласини тартибга солишчи миллий қонун ҳужжатларининг ҳал-қаро стандартларга мувофиқ тарзда ривожланишида 1986 йилда БМТ савдо ҳуқуқ комиссияси (ЮНИСТРАЛ) томонидан қабул қилинган Халқаро арбитраж тўғрисидаги намунавий қонун муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур халқаро ҳужжат 2006 йил 16 октябрда қабул қилиниб, 2007 йил 1 январдан қуча киритилган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамроҳан бўлиб, унга мувофиқ тарафларнинг низоли тенглик асосида ҳал этилиши Ҳакамлик (арбитраж) судига топшириш мақсадида битим тузиш имконияти, шу тахлит ушбу масалага давлат судларининг аралашмаслиги белгиланган тартиб асосида мустақамлаб қўйилган. Мазкур битимнинг ёзма шаклда тузилиши талаби Франция фуқаролик процессуал кодексининг 1443-моддаси, АКШ Федерал арбитраж ҳужжатининг 2-моддаси, Англия арбитраж ҳужжатининг 5-моддаси, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 12-моддалари («Ҳакамлик битимининг шакли») да батафсил равишда атрафлича баён этилган.

Ҳакамлик суди иши муҳокама натижасида мазкур ишда мавжуд масалаларни умумлаштирган ҳолатда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, улар томонидан тақдим этилган материалларни ҳолис ва ҳар тарафлама текшириб, иш учун аҳамиятга эга бўлган юридик фактларни белгилаб, тарафлар орасидаги мавжуд бўлган муносабатларни инобатга олган ҳолда адолатлилик принциpidан келиб чиқиб, тегишли ҳулоса чиқаради, яъни белгиланган қоидаларга асосланган ҳолда чиқарилган ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамасининг яқунла-

Ҳакамлик судлари низоларни ҳал этишнинг тезлиги ва ҳолиселигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахслар орасида юзага келган мураккаб муаммолар ечимига юқори даражали профессионал кадрлар (ҳакам)нинг малакали маслаҳати асосида эришиш имкониятини тақлиф этаётган нодавлат органи сифатида шаклланаётган мустақил тузилмадир.

нишига олиб келади. Фикримиз тасдиғи ўларок, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги ЎзР Қонуни 38-39-моддаларида мазмунан Ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарорининг қабул қилиниши, унинг шакл ва мазмун жиҳатдан қандай талабларга жавоб беришиги ғоят кенг ёритилган. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суд ҳал қилув қарори тўғрисида»ги 161-сонли қарори 3-қисмида баён этилганларни

Ҳакамлик судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш масаласида турли ноаниқлик ва низолар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида унинг кириш, баён қилиш, асослантирувчи ҳамда ҳулоса қисмлари аниқ ифодаланган тарзда бўлиши лозим. Халқаро савдо арбитражи тўғрисида ЮНИСТРАЛ намунавий қонун (1985 йил 21 июнда Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ Комиссияси (ЮНИСТРАЛ) томонидан қабул қилинган)нинг 31-моддаси «Арбитраж ҳал қилув қарорининг шакли ва мазмуни» деб юритилиб, унга асосан арбитраж ҳал қилув қарори ёзма шаклда чиқарилиши, арбитраж жойи кўрсатилган бўлиши, шу билан бир-биримиз билан бир-бирига ҳал қилув қароридан унга асос бўлган сабаблар бўлиши лозим эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Демак, ихтиёрийликка асосланган тарзда ташкил этилган ҳакамлик муҳокамасининг афзалликлари қаторида тарафлар ўз ички тамойилларини инобатга олган ҳолда судья (ҳакам)лар танлаш ҳуқуқининг мавжудлиги, мазкур низоларни ҳал этишда тезкорликнинг қўлланилиши, асосан тарафларнинг ўзаро манфаатларига суянган ҳолда қилишга эришилиб, ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда бажаришнинг юқори суръатда эканлигини эътироф этишимиз мумкин.

Комил ТОЛИПОВ,
Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси
Тошкент шаҳар филиали бошлиғи, II даражали
ҳакам,
Дурдона ФАЙЗИЕВА,
Ҳамза туман ҳакамлик суди судьяси

Суд қарори ижроси — адолат барқарорлиги омилidir. Суд қарорлари ижроси таъминланмаслиги одил судлов обрўсига путур етказди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тикланишига қаратилган фаолиятга салбий таъсир кўрсатади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ суд ҳокимияти қилган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига суд ҳужжати бажаришдан бўйин товлash, унинг ижро этилишига тўсқинлик қилишга қарши чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлash энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазоланади. Бундай ҳаракатсизлик ҳаффи жиноятчи томонидан содир этилган тақдирда эса икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шу кодекснинг 123-моддаси эса «Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлash» деб номланиб, вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий таъминотга муҳтож ота-онани ёки уларнинг ўринини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлash ҳолларда энг энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ-тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок санкцияси белгиланган. Юқорида қайд этилган моддаларда, ота-онани ҳурмат-иззат, моддий таъминотга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш каби қадриятларимиз ўз аксини топан десак адашмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148-моддасида биноят туриб ғайриқонуний равишда ишдан бўшатили ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини ижро этмаслик шундай қилишлар учун маъмурий жавобгарликдан кейин содир этилса энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ-тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддасининг янги таҳрири баён этилиши ҳам аини мудабо бўлди. «Суд ҳужжати ижро этмаслик» деб номланган ушбу модданинг эски таҳририда фақат мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиб, жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланмаган эди. Аини шу сабаб ҳам ижро ишларининг самарадорлигига путур етатган эди. Энди-

ликда суд ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсадида қонунда суд ҳужжати ижро этмаган жисмоний шахсларнинг ҳам жавобгарлиги белгиланган. Бундай қилишларни содир этган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги эса кучайтирилди. Демак, мазкур янги таҳрирдаги моддада муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжати бажаришдан бўйин товлashни маъмурий жазо қўлланилгандан кейин давом эттириш, шунингдек, суд ҳужжати ижро этилишига тўсқинлик қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ-тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамок билан жазоланади. Ўша қилишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч ойдан олти ойгача қамок ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Бундан ташқари, ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, ижро ҳужжати ижро этмаслик, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 233-моддасида ўз аксини топан бўлиб унга қўра Банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ-тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамок ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Юқорида қайд этилган бу моддалар кези келганда ижро ишини юртишининг ҳуқуқий асосларини янада мукаммаллаштиришга хизмат қилади.

Амалга оширилаётган бундай суд-ҳуқуқ ислохотларидан қўзланган асосий мақсад — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ориф БЕРДИЕВ,

Олмазор тумани суд ижросиси



Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтини курсантлари

Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

Фармон ва ижро

СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита дахлдор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади. Суд ҳокимияти ҳуқуқий мақомининг конституциявий белгиланиши мазмунан шундай ифодаланадики, унга асосан, фуқароларга нисбатан судловни амалга оширишда ўзбошимчиликка йўл қўймаслик, одил судловни амалга ошириш, ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатини яратиш, шунингдек, фуқароларга нисбатан чиқарилган ҳужм ва қарор юзасидан шикоят қилишлари учун имконият яратиш ҳамда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 2 августда «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди.

Фармонда таъкидланганидек, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилиши таъминлашда, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам, суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатлар кучайтирилмоқда.

Шунингдек, ушбу Фармонга қўра умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судлари судьяларининг янги меҳнат ҳақи разрядлари, ойлик устама ҳақ миқдори тасдиқланди, судьялар хизмат вази-фалари бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловларидан озод этилган бўлди. Судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартибининг ҳам ишлаб чиқиши белгиланганлиги судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг, суд-

лар таркибий тузилмаларида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилишнинг кўзда тутилганлиги судда ишларни юритиш, ҳисоботларни олиб боришнинг замон талабларига мослаштирилишида шубҳасиз ижобий ўрин тутди. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш марказида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилганлиги судьялик лавозимига илк бора кириш-ётган шахсларга амалий қўникмаларга эга бўлишда жуда катта мактаб бўлиши шубҳасиз.

Ҳулоса қилиб айтганда, «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислохотлар дастуридаги устувор вази-фаларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келинаётганидан далолатдир.

Алишер ИРАЛИЕВ,
ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар
ҳудудий
бўлимаси катта мутахассиси

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан прокуратура органлари вакиллари, Савдо-саноат палатаси мутахассислари, шунингдек, етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароит яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вази-фаларидандир. Ўтган вақт мобайнида қўлай ишбилармонлик муҳитини таъминлашга доир самарали ишлар бажарилди. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принциpidи қонун даражасида жорий этилди, бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди.

Давра суҳбатида тадбиркорларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга оид амалий саъй-ҳаракатлар атрафлича муҳокама этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 18 июлда имзоланган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ҳужжатлар бизнес муҳитни яхшилашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорларга янада кенг эркинликлар беришга қаратилган самарали ишларнинг мантикий давоми экани қайд этилди.

Иштирокчилар эътибори, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунининг амалда ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам қаратилди. Ушбу қонуннинг жорий йилда қабул қилинган раъсий маънога эга. Негаки, 2012 йил давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди ва унинг асосида ишлаб чиқилган тегишли Давлат дастури самарали амалга оширилмоқда.

Тадбирда ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини очиб бериш ва аҳамиятини тушунтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш тегишли давлат идоралари зиммасига катта масъулият юклаши таъкидланди.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — МУҲОФАЗАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан «Бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳамкорлигининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Унда депутатлар, тегишли вази-рлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Самов, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Г.Алимова, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бошқаруви раиси М.Ширинова ва бошқалар болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини муҳофаза-лаш, пухта таълим-тарбия олиши учун шароит яратиш Президентининг Ислам Каримов раҳнамоларида амалга оширилаётган ислохотларда устувор ўрин тутишини таъкидлади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси юзасидан болалар манфаатларини таъминлашда миллий қонунчиликни такомиллаштириш, миллий генофондини янада соғломлаштириш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларни ҳаёт тартибига бе-гона ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш борасида турли вази-рлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик тобора кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жа-мийатининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувватлаш ташкилотларининг ёшларни қўлим қўлим этиб тарбиялаш, касбга йўналтириш, жа-мийятда соғлом турмуш тарзи ғояларини мустаҳкам қарор топтиришга оид лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш-моқда. Оила, маҳалла, таълим масканлари ўртасидаги ҳамкорлик ўқитиш сифатини юксалтириш, ҳар бир фарзанд тарбиясига индивидуал ёндашув имконини бермоқда. Аини пайтда мамлакатимиздаги саккиз мингдан ортиқ маҳалла-да фаолият кўрсатаётган «Ота-оналар университетлари» ота-оналарнинг психологик, физиологик, ҳуқуқий, маънавий билимини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағармаси, «Камо-лот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотла-ри томонидан амалга оширилаётган турли лойиҳалар бо-лаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чи-қариш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шаклланти-риш, ота-оналар масъулиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Семинарда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-лашда давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, нодавлат нотижорат ташкилот-лари ва оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳамкор-лигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

(ЎЗА)

Art Week Style.uz — 2012
санъат ҳафталиги доирасида
Ўзбекистон тасвирий санъат
галереясида британиялик
таниқли рассом Аня Санднинг
2007-2011 йилларда яратилган
17 та картинадан иборат
«Мавҳум тафаккур»
кўргазмаси намоиш этилади.

ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

Санъат соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган энг йирик лойиҳалардан бири Style.uz ҳафталиги таниқли ва ёш муаллифларга ўз ижодий салоҳиятларини намоиш этишлари, тажриба алмашишлари учун катта имкониятлар яратиш билан бирга уларни янги ижодий марралар сари илҳомлантиради.

Рассом Аня Санд картиналари ўтган йилги Art Week Style.uz — 2011 санъат ҳафталиги доирасида VI Тошкент Замонавий санъат халқаро биеннале-сида намоиш этилган эди. Бу йилги санъат ҳафталиги тадбирларида иштирок этиш, тадқиқотлар олиб бориш, миллий санъатимизга хос анъанавий меъморий нақшлар ва бошқа анъаналар билан танишиш мақсадида рассомнинг ўзи мамлакатимизга шахсан ташриф буюради. Бу ташрифдан сўнг у Марказий Осиё нақш ва безакларига бағишланган асарлар туркумини яратишни режалаштирган.

Санд асарларида асосан абстракт тушунчалар ҳукмронлик қилади. Юпқа тупроқ палитрасининг қуюқлашишган кўриниши рассомнинг ўзига хос услубларидан биридир.

VI Тошкент халқаро фотобиеннале-си Art Week Style.uz — 2012 санъат ҳафталигида дунёнинг 35 давлатидан 200 дан ортиқ муаллифлар 1500 дан ортиқ асарларини намоиш этади. Фотобиеннале 4-9 октябрь кунлари Тошкент ва Самарқанд кўргазма залларида бўлиб ўтади.

Бундан ташқари, Art Week Style.uz — 2012 доирасида қуйидаги кўргазма лойиҳалари ташкил этилади: буюк рассом Оганес Татевосян асарлари кўргазмаси, франциялик рассом Транс Ву экспозицияси, «Авлодлар ўзгаради, анъаналар боқий» махсус лойиҳаси, «Япония сиймоси — Сирли Фудзияма» фотоқўргазмаси, «Генеалогия — хотира шажараси» замонавий санъат халқаро кўргазмаси ва бошқалар томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ХОРИЖЛИК ТЕЛЕЖУРНАЛИСТЛАР ТОШКЕНТГА КЕЛИШАДИ

**Жаҳонга машҳур
футбол телеҳафталик —
«FIFA Futbol Mundial»
кўрсатуви ижодкорлари
3 октябрь кuni
мамлакатимизга ташриф
буюришади.**

Ўзбекистонда футбол ривожини йўлида амалга оширилаётган иш-лохотлар ҳақида кўрсатув тайёрлашга аҳд қилган хорижлик тележурналистлар дастлабки кuni «Бунёдкор» — «Аделаида Юнайтед» (Австралия) жамоалари ўртасидаги Осиё чемпионлар лигаси турнири чорак финалининг такрорий учрашувини бевоқифа стадиондан кузатишади ва лавҳа тайёрлашади. 4 октябрь санасида эса меҳмонлар мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигасининг «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги баҳсга гувоҳ бўлишади. Ташрифнинг учинчи кuni меҳмонлар мамлакатимизнинг энг кучли жамоалари деб эътироф этилаётган «Бунёдкор» ҳамда «Пахтакор» машғулотларини кузатиш, клублар мураббийлари ва футболчилар билан суҳбатлар уюштиришни режалаштиришмоқда. Кейинги кун режасига кўра телекўрсатув ижодкорлари «Эксклюзив суҳбат» рукни остида «Бунёдкор» футболчиси Виктор Карпенко билан мулоқот қилишади.

Ўйлашимизки, ушбу кўрсатув мамлакатимиз футбол ривожини йўлида амалга оширилаётган ишларни ҳаққоний ёритади ва энг яхши кўрсатувлардан бирига айланади.

**Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари
Португалияга жўнаб кетишган эди.**

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ ПОРТУГАЛИЯДА

Ўқув-машғулот йиғинларини Португалияда уюштиришга аҳд қилган терма жамоамиз машғулотлар доирасида Португалия терма жамоаси

Аввал хабар берганимиздек, Эронда футбол бўйича 16 ёшли ўсмирлардан таркиб топган терма жамоалар ўртасида Осиё чемпионати бошланди.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Ушбу нуфузли турнирда Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Ҳамюртларимиз гуруҳда суриялик, ҳиндистонлик ва хитойлик тенгқурларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон — Ҳиндистон ўсмирлар терма жамоалари ўзаро белла-

шишди. Шиддатли курашларга бой, мурасасиз кечган баҳс якунида Дилшод Нуралиев шогирдлари 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди ва муҳим уч очкони қўлга киритишди. Гуруҳдаги Сурия — Хитой учрашувида томонлар мураса йўлини танлашди. Ҳитой 1:1 ҳисобида яқунланди.

Энди ҳамюртларимиз чин юрти вакиллари қарши майдонга тушишади.



Бўлган сурат Шамсиддинов (ЎА) олган

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот маркази ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилаётган «Ойнинг энг яхши мураббийси ва футболчиси» танловининг август ойидаги лауреатлари аниқланди.

ОЙНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙСИ ВА ФУТБОЛЧИСИ

Унга кўра бир пайтлар мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Пахтакор»да муваффақият билан тўп сурган, айни вақтда мураббийлик қилаётган Эдгар Гесс август ойининг энг яхши мураббийси деб эътироф этилди. Ҳозирда Гесс Фуздорнинг «Шўртан» клубида бош мураббий лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳулосасига кўра август ойининг энг яхши футболчиси деб айнан «Шўртан» жамоаси ҳужумчиси Игорь Таран кўрсатилган.

Ўтди. Унда Португалия терма жамоаси 5:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Мамлакатимиз вакиллари рақиблар дарвозасини А. Юсупов ва Н. Элибоев аниқ нишонга олишди.

Албатта ўртоқлик учрашуви қандай натижа билан якунланишидан қатъи назар Ўзбекистон футзал терма жамоаси учун бу маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Акбар Йўлдошев

**Анапада МДХ, Латвия, Литва ва Эстония
мамлакатларининг «Киношок — 2012» XXI очик
кинофестивали ниҳоясига етди.**

«ПАРИЗОД» ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Ушбу фестивалда жами 14 та картина иштирок этди. Режиссёр Аюб Шаҳобиддиновнинг «Паризод» фильми фестивалнинг гран-присини қўлга киритди. «Паризод» картинаси «Ўзбеккино» агентлигининг буюртмасига буюн «Ўзбекфильм» студиясида тасвирга олинган. Фильмда бош ролларни Зарина Низомиддинова, Самиддин Лутфуллаев, Бахтиёр Қосимов, Дилором Каримова, Бехзод Муҳаммадқаримов ва бошқа актёрлар ижро этган.

Фестивалда «Васий» трагикомедиясини суратга олган грузиялик Заза Урушадзе энг яхши режиссёр, Пётр Симму «Ёлғиз орол» фильми учун энг яхши сценарийнавис, Александр Симонов «Мен ҳам хоҳлайман» картинаси учун энг яхши оператор дея эътироф этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари бўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солигини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибиде мажбурий ундирувга қаратилади.

Солиқларни жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Тиббиёт

«САЛОМАТЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ» ОЙЛИГИ

**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти темир
йўл кенгаши ташаббуси билан «Саломатлик
ва экология» ойлиги уюштирилди.**

Тошкент темирйўл
транспорти муҳандислари
институтини талабалари учун
ташқил этилган ушбу тад-
бир давомида ёшлар ўрта-

сида тиббий маданиятни
ўстириш, турли хасталик-
ларнинг олдини олиш би-
лан боғлиқ давра суҳбат-
лари ўтказилди.

«Спорт, саломатлик — бардамлик», «Боқий кадр-
ятлар», «Ичкиликбозлик —
иллат» каби мавзуларда
уюштирилган маърузалар
савол-жавоб кўринишида
ташқил этилди.

«Ҳаётнинг ўз кўлинг-
да» номли ҳужжатли фильм
ҳам бевоқифа ёшлар са-
ломатлигига бағишланди.

ЭНГ ЯХШИ ЖАМОА

**Кейинги пайтларда
пойтахтимизнинг барча
туманларидаги оилавий
поликлиникалар замонавий
лойиҳалар асосида
таъмирланди.**

Аҳолига самарали ва намунали тиббий хизмат кўрсатаётган 17-оилавий поликлиника фаолияти шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан муносиб тақдирланди. «Энг намунали оилавий поликлиника» танловида Тошкент шаҳри бўйича биринчи ўринни қўлга киритган бу шифохона ультратовуш, эндоскопия сингари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Акбар АЛИЕВ

БЕМОРЛАРГА МЕҲР КЎРСАТИБ

Поликлиникага келиш имконияти йўқларга уйга бориб хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Айни вақтда кекса темирйўлчилар, уруш қатнашчиларини қабул қилиш учун алоҳида хоналар ташқил этилди. «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан шифохонада «Ота, онам ва мен» деб аталувчи секция ўз фаолиятини бошлади.

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 941

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65 факс (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4919 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2


Топшириш вақти: 13.00

Найрн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.50



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ўзидан устун тура олиш — оқиллар-
га хос.

Ёмон бўлмаганда яхши ҳам бўлмасди.

Йўқотиш хавфи туғилмагунча одам бо-
ласи ҳеч нарсанинг қадрига етмайди.

Олган унутса ҳам, берган унутмайди.

Чуқур ўйлаб кўрса, бу дунёда бирор
нарсаси адолатсиз эмас. Ҳар қандай
зулм, адолатсизлик, ноҳақликнинг
ҳам асл сабаблари бор.

Яхши яхшилиқ қилиб завқлангани каби
ёмон ёмонлик қилиб роҳатланади.

Жаҳл — асаб кушандаси.

Эҳтиёж кимни қул қилади, кимни
булбул.

Инсофсизнинг золимдан фарқи йўқ.

Бирор дардга чалинмай жоннинг
қадрини билмайсан.

Ҳеч ким ризқига бошқанинг шерик
бўлишини хоҳламайди.

Фарзандинг ноқобил чиқса, бутун
чеккан заҳматларинг беҳуда кетган
бўлади.

Биров олдин, биров кейин — ҳар ким
қилмишидан топади.

Яхшилиқ ҳам, ёмонлик ҳам бир кун
келиб баҳосини олади.

Ҳар нарсанинг кушандаси ўзи билан.

Жаҳолат дардининг давоси йўқ.

Бир қилганга қил,
Бир билганга.

Қолган кўнгилни ҳеч нарсаси билан
иситиб бўлмайди.

Душмандан дўстлик кутма.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида кент шаҳри об-ҳаво шароити
28 сентябрь кuni ҳаво ти шаҳар ҳаво муҳитида
ўзгариб туради, ёгингар- зарарли моддаларнинг сақ-
чилик бўлмайди. Шарқ- ланиб қолишига имконият
дан секундида 3-8 метр ятади. Атмосферанинг
тезликда шомол эсади. ифлосланиш даражаси 1-3
Ҳарорат кечаси — 12-14, фозга қўнайиши тахмин
кундузи — 28-30 даража қилинмоқда.

иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотиға кўра,
28 сентябрда Тош-